

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 89 (12.150)

Баҳоси эркин нарҳда



Ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, инновацион маҳсулотнинг ички ҳамда ташқи бозорларга чиқишини таъминлаш, ички бозорда импорт қилинадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан алмаштириш, экспортга йўналтирилган иқтисодий тузилмасини шакллантириш мақсадида мамлакатимизда анъанавий инновацион гоёлар, технологиялар ҳамда лойиҳалар ярмаркаси мунтазам равишда ўтказилиб келинади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Бу йили ҳам ушбу анъанани давом эттирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамкорлигида кеча пойтахтимизда жойлашган «ЎзэкспоМарказ»да «Инновацион гоёлар, технологиялар ҳамда лойиҳалар» V Республика ярмаркаси ўз ишینی бошлади. Ҳозирда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, ахборот технологиялари ҳамда фан ва таълим йўналишларини қамраб олган ушбу кўргазмада Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа идоралар тасарруфидоги 100 дан ортиқ илмий-тадқиқот, олий таълим, таъриб-конструкторлик ташкилотлари, кичик инновация корхоналари ва ихтиро-

чилар ўзларининг 500 дан ортиқ истиқболли технологиялари, ишланмалари, инновацион гоёлари билан иштирок этмоқдалар.

Илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг энг муҳим стратегик масалаларидан бири ҳисобланади. Чўнки XXI асрда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши илмий-техника тараққиётининг етакчи роли ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ва асосан ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларида интеллектуал фаолият натижаларини қўллаш асосида таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 2008-2011 йилларда ўтказилган I, II, III ва IV Инновацион гоёлар, технологиялар

ва лойиҳалар республика ярмаркаларида 1584 та шартномалар ва келишув баённомалари тузилган бўлиб, уларнинг умумий молиявий ҳажми 51 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада, 307,6 миллиард сўм ҳажмида янги маҳсулот ишлаб чиқарилди, 17,9 миллион доллар миқдоридан импорт товарлари ўрни қопланди, энергия ва ресурс тежамкорлик 3,3 миллиард сўмни ташкил этди, 409 та иш жойлари яратилди. Сўнгги уч йил давомида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг илмий ва инновация фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган бир қатор ўта муҳим қарорлари қабул қилинди. Хўжалик шартномалари асосида тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий муассасаларга кенг солиқ имтиёзлари берилди, давлат улуши бўлган 18 та йирик корхоналарда инновация марказлари ва жамғармалари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда)

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари асосий низомиларини амалга оширишга бағишланган халқаро семинар ташкил этилди.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Тадбирда сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги А.Ҳайитов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аниқ йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими амалда юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланганларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш изчил йўлга қўйилган.

Бош қомусимизда қафолатланган ҳар бир шахсининг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш каби ҳуқуқлари тўла таъминланаётди. Меҳнат кодекси, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий сўғурталаш, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари, одам савдосига қарши курашишга оид қатор қонунлар қабул қилиниб, изчил йўлга этилмоқда. Ҳар йили давлат бюджетининг олтинчи фоизга

яқини соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилаётгани бунда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси сифатида ушбу ташкилотнинг 13 конвенциясини ратификация қилган ва уларнинг ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

– Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасида улкан ютуқларга эришилмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Сюзан Хоффман. – Бу янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Давлат бюджетининг катта қисми ижтимоий ҳимояга йўналтирилаётгани ҳам эътиборга моликдир. Ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга, мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Семинарда ратификация қилинган конвенцияларни амалга ошириш, халқаро ижтимоий-меҳнат нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, бунда касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг иштирокини таъминлашга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА

ИЖОДИЙ КАМОЛОНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан журналистика соҳасида «Олтин қалам» Миллий мукофотининг таъсис этилгани ижодкорларни изланишга, янада фаолликка, халқ, жамият, Ватан олдидаги юксак бурч ва масъулиятини тобора теран англашга ундамоқда.

«Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнги бағишлаб ўтказилган ушбу тадбирга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, мазкур танлов ташкилий қўмитаси раиси Ш.Ҳуломов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатларда миллий медиа соҳа фаолиятини бугунги тезкор давр талабига мос тарзда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолият қўрсатиши, уларнинг юртимизда кечатган тўб ижобий ўзгаришлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

корликда «Солиқ тизимида раҳбар кадрларни тайёрлашда долзарб масалалар ва уларнинг ечими тўғрисида» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-

Журналистика соҳасида «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиблари ва совриндорлари аниқланди



Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳам янги босқични бошлаб берди. Унга кўра, медиа соҳани ислох этишга доир миллий қонунчилик тизими тобора такомиллаштирилмоқда. Журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жаҳон андозалари даражасида фаолият қўрсатиши учун зарур имконият ва шароитлар яратилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарори медиа соҳа мустақиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоат назоратини ўрнатилганда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

«Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания,

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва «Uzreport» ахборот агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Танлов халқаро ва миллий журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, соҳа ходимларининг фуқаролик позициясини намояндалаштириш, уларда ўз фаолиятига янгича ёндашувини шакллантиришга муҳим омил бўлаётди.

Танловда телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишларидаги асосий мукофотлар билан бирга журналистларнинг иқтисодлашувини қўллаб-қувватлаш мақсадида рағбатлантирувчи номинациялар ҳам таъсис этилган. Ижодий беллашувнинг мавқеи, қаровий йил сайин кенгаймоқда. 2006 йили илк бор ўтказилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун танловда ғолиблар 13 номинация бўйича аниқланган бўлса, жорий йилда 27 номинация бўйича мукофот таъсис этилди. Бу йил «Мустаҳкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун» янги йўналиш ҳам жорий этилди. Номинациялардан бири мамлакатимиз ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳалардаги тўб ижобий ўзгаришларни ҳали ва ҳаққоний ёритаётган хорижлик журналистларга ажратилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида «Энг намунали оила» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 57 оила иштирок этди. Иштирокчилар тадбиркорлик, оилавий бизнес, хунармандчилик, томорқачилик, оилада таълим-тарбияни йўлга қўйиш, маънавий, ижтимоий, иқтисодий баркарорликни таъминлашга оид саволлар орқали синовдан ўтказилди.

• Қарши туманидаги «Santexyig' majihoz» масъулияти чекланган жамияти жамоаси маҳаллий хомашёдан полимер мармарли ванна, ҳаммом ва ошхона учун зарур бошқа жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу вилоятда мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни қоплаш имконини беради.

• Тошкент вилоятининг Чиноз туманида балиқчиликни ривожлантириш, ихтиофаунани асраш, экологик мувозанатни таъминлаш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• Самарқандда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шунқорлар – 2012» ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мусобақада ҳудудий босқичларда ғолибликни эгаллаган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан иборат ўндан зиёд жамоа қатнашди.

• Сирдарё педагогика коллежида ташкил этилган «Очқик эшиқлар кўни»га умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари тақлиф этилди. Улар мазкур таълим даргоҳидаги ўқув жараёни, ахборот-ресурс маркази, ўқув-лаборатория хоналари, спорт мажмуаси ва талабалар турар жойида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

ЖАҲОНДА

• Кеча Махачқалъа шаҳридаги полиция бўлими олдида содир этилган иккита портлаш натижасида 12 киши ҳалок бўлди, юзга яқин одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди.

• Австриядаги йирик банклар мамлакат ҳукумати тасарруфига ўтмоқда, деб хабар беради ПАТА-ТАСС. Иқтисодий қийинчиликлар гирдобидида қолган «Oesterreichische Volksbanken» банки ўзининг 43,3 фоиз акциясини мамлакат ҳукуматига 250 миллион еврога сотди. Мазкур банк 2011 йилни 1,4 миллиард евро зарар билан якунлаган эди. Ҳозирда мамлакатдаги йирик молиявий муассасалардан «Kommunalkredit» ва «Austrian Hypo Group Alpe Adria» банклари ҳам иқтисодий танглик туфайли ўз акцияларини ҳукумат тасарруфига ўтказди.

• Америкалик олимлар қора ўлатга қарши янги препарат яратдилар. «Janssen Pharmaceuticals» фармацевтик компанияси томонидан ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган мазкур янги препарат «Levaquin» деб номланади. Ушбу дори таркибидаги левофлоксацин антибиотиги хавфли юқумли хасталик саналмиш қора ўлатни қўзғатувчи Yersinia pestis бактериясига қарши курашиш хусусиятига эга.

• Янги Зеландиянинг Инверкаргилл шаҳри мэри Тим Шэдболт «СUE» телеканалига 26 соат тўхтовсиз интервью бериб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди. Бир куну икки соат давом этган ушбу сўхбат Тим Шэдболт учун осон бўлмади. Фаолияти ва ҳаёти давомида содир бўлган турли воқеаларни сўзлаб берган мэрининг гапларини телетомошабинлар катта қизиқиш билан тингладилар. Тим Шэдболт иштирокидаги мазкур телевизион хайрия марафонидан тушган маблағ шаҳар шифохонаси учун ажратилади.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКISTON** Республикаси Олий судида оиланинг давлат муҳофазасида бўлиши қафолатларига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида 9-май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан «Хотира боқийдир, қадр — муқаддас» мавзусида учрашув ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Солиқ академияси билан ҳам-

корликда «Солиқ тизимида раҳбар кадрларни тайёрлашда долзарб масалалар ва уларнинг ечими тўғрисида» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақ-

лаш вазирлиги, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Тошкент Педиатрия-тиббий институтининг ҳамкорлигида пластик жарроҳликнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўз ишینی бошлади.

ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА



(Давоми. Боши 1-бетда)

Ярмаркада тақдим этилаётган ишланмаларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва технологиялар бўлиб, улар янги юқори самарали материаллар, машиналар, препаратлар ва жаҳон андозаларига мос бўлган бошқа тегишли илмий ҳажмдор маҳсулотлар яратиш имконини беради.

Илмий ҳажмдор, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ўсиши, шу жумладан кичик инновацион тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; республиканинг илмий салоҳиятидан мамлакатнинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда самарали фойдаланиш, корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, инновация фаолиятини кенгайтириш учун инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашишни мақсад қилган ҳолда иш олиб бораётган V ярмаркада илк бор тақдим этилаётган ишланмаларнинг 154 таси сановат соҳасида, 55 таси қишлоқ ҳўжалиги йўналишида, 85 та ишланма тиббиёт ва фармакология соҳаси, 56 таси инновацион технологиялар соҳаси ва 16 таси фан ва таълим соҳасига тааллуқлидир.

Энг муҳими, ҳўжалик юртувчилар уларнинг аксарияти билан дастлабки тақдимот маросимларида танишиш ва ярмарка бошланғичидан олдин бўлажак ҳамкор-олимлارни аниқлаш имкониятига эга бўлди.

V инновациялар ярмаркаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Ма-

салан, унда илк бор махсус «Технологиялар трансфери» бўлими ташкил этилди. Бу ерда ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тайёр ва ўзлаштирилиши катта иқтисодий самара берадиган 50 ишланма намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институтида яратилган суюқ фосфор ва таркибида олтингургурт мавжуд селитра олиш технологияси, Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва «Навоийазот» ишлаб чиқариш бириктирилган маҳсулатида жорий этишга мўлжалланган полиуретан ва пенополиуретанлар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос услуби, нефть ва газ сановати, хусусан, технологик суюқликлар ҳамда газни тозалаш, нефть ва газ конденсатининг қолдиқ захирасини ажратиш олиш бўйича қатор технологиялар шулар жумласидандир. Шуниси эътиборлики, уларнинг ҳаммаси маҳаллий хомашё, кўпинча ишлаб чиқариш чикиндиларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, улар негизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босиб, кейинчалик экспорт қилиш учун мўлжалланган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими-га қарашли ўқув юрталари ва илмий бўлиnmалар ҳам мазкур ярмаркада кўлаб ишланмаларни тақдим этган. Бу эса мамлакатимиз таълим соҳасининг илмий салоҳияти ўсиб бораётганидан далолатдир. Истеъдодли ёшлар – олий таълим муас-



Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган суратлар

сасалари талабалари ва «Келажак овози» республика танлови фолиблари томонидан яратилган технологиялар, гоғлар ҳамда лойиҳалар ўзига хослиги ва амалий аҳамияти билан ажралиб туради.

Ярмарканинг дастлабки кунидан шартномалар имзолаш бошланди. Инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ярмарка доирасида «Ўзбекистонда муқобил энергетика ва уни ривожлантириш истиқболлари», «Инновацион фаолиятни ривожлантиришда илмий-техник ахборотнинг роли» мавзуда семинарлар ўтказилди.

Инновацион гоғлар, технологиялар ва лойиҳалар V Республика ярмаркасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.

Нигора БОЙХўЖАЕВА, Фаррух БАХРОМОВ

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ФОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

глобал экологик муаммолар таҳлилий ёритилган материаллари учун.

3-ўрин: Хулқар Кузметова (Тўйманова) — «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири. Халқимизга хос эзгу фазилатлар, уларнинг турмушдаги аҳамиятини кўрсатишга бағишланган «Хислат» рункидаги туркум мақолалари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (Интернет-журналистика): 1-ўрин: Любовь Эберзенок — «Uzreport.com» интернет-портали масъул муҳаррири. Мамлакат ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни интернет тармоғида кенг ёритгани учун.

2-ўрин: Бахтиёр Абдукаримов — «Анадолу» ахборот агентлиги муҳбири. Хорижий ОАВда чоп этилган Ўзбекистон тўрисидаги энг яхши мақолалари учун.

3-ўрин: Шавкат Аҳмедов — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Хўжа Аламбардор» жомеъ масжиди имом-ноиб. Маънавият, маърифат ҳамда диний бағрикенглик мавзуларига бағишланган туркум материаллари учун.

Рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича: Журналистика ривожига қўшган хиссаси учун: Махмуд Саъдинов — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Фаол фуқаролик позицияси учун: Мансуржон Рихсиев — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси матбуот бўлимида катта инспектори, «Автохамроҳ» журналининг жамоатчи муҳбири

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун: Ботирали Шодиев — «Ёшлар» телерадиоканали ЕАЖ «Давр» ахборот дастурлари бош муҳарририятининг катта муҳаррири

Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун: Ферузaxon Сиддиқова — Андижон вилояти телерадиоканали бош муҳаррири ўринбосари — радио гуруҳи раҳбари

Мустақкам оила йилига бағишланган энг яхши материал учун: Мирмуҳсин Мирзоқиров — «Давр» газетасининг масъул котиби (Наманган вилояти)

Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун: Зулфия Файзуллаева — «Ёшлар» телерадиоканали ЕАЖ «Давр» ахборот дастурлари бош муҳарририятини катта муҳаррири

Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун: Одина Каримова — «Ёшлар» телерадиоканали ЕАЖ Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси дастурлари бош муҳарририятининг катта муҳаррири

Энг яхши журналистик текширув учун: Нодира Самандарова — Навоий вилояти телерадиоканали катта муҳаррири

Мураккаб шароитларда (фавқуллода вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун: Дилбар Кенжаева — «Қашқадарё» газетаси бўлим муҳаррири

Энг яхши режиссёрлик иши учун: Шерзод Мирғўлатов — ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятини бош режиссёри

Энг яхши матбуот хизмати: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот хизмати — Ахборот хизмати бошлиги Асқар Ҳайдаров

Энг яхши фоторепортаж учун: Бахтиёр Акрамов — «Халқ сўзи» — «Народно слово» газеталари фотомуҳбири

Энг яхши карикатура учун: Хасан Султонов — Эркин ижодкор (Самарқанд вилояти)

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўрисидаги энг яхши материал учун: Ли Чуйфа — «Цзинзи Жибао» газетасининг Тошкентдаги муҳбирлик пункти мудири (Хитой Халқ Республикаси)

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари: БМТ

БМТнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни мавзусини ёритгани учун: 1. Нодира Мақсудова — «Гранд» радиостанциясининг шеф-муҳаррири

ЮНЕСКО Оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва демократлаштириш, сўз ва ахборот олиш эркинлиги мавзуларини ёритгани учун: 1. «Хуррият» мустақил газетаси таҳририяти — бош муҳаррир Уктам Мирзаёров

ЖАҲОН БАНКИ Энергия самарадорлигини ошириш масалаларини ёритгани учун: 1. Майрам Аҳмедова — «Соғлом авлод» газетаси муҳбири

«Минтақавий мулоқот» халқаро ташкилоти (Словения) Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш мавзусини ёритгани учун: 1. Анорбой Норкулов — «Мирзаобод» газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилояти)

2. Руслан Сабуров — «Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» газеталари муҳбири (Навоий вилояти)



ИЖОДИЙ КАМОЛОТНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу кунга қадар ўтказилган олти танловда 155 нафар журналист асосий ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди. «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танловда 470 нафар журналист 8,3 мингга яқин ижодий иши билан қатнашди. Ажратилган мукофот фонди қарийб 189 миллион сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилги мукофот жамғармасидан салкам 40 миллион сўм кўпдир. Фолибларни тақдирлаш, танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўлаб-қуватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилди.

Танловнинг бош миллий мукофотини кўлга киритган «Фаргона ҳақиқати» — «Ферганская правда» газеталари таҳририяти (бош муҳаррири Баҳромжон Обиджонов) — махсус диплом ва республикамиздаги энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридagi пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналиши, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам пул мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки, «Минтақавий мулоқот» (Словения) каби халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги валакатхоналари томонидан ҳам рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

— Президентимиз томонидан миллий журналистика равнақи йўлидаги рағбат ва эътиборни, ғамхўрликни қундалиқ фаолиятимиз давомида ҳамisha хис этиб яшаймиш, — дейди танлов голиби, Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканали радиоканалининг катта муҳаррири Лалахан Нураддинова. — Бу танлов ҳар бир қаламкашини ўз фаолиятини танқидий-таҳлилий нўқтани назардан баҳолашга, тезкор даяр талаби асосида ижод қилишга, фаолиятига янги гича ёндашишга ундайди. Янада фаол бўлиб, изланиш, замон билан ҳамнафас ва ҳамкадам тарзда юртимиз манфаатларига хизмат қилиш орқали билдирилган юксак ишончли оқлайман. — Мамлакатимизда вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган, — дейди «Олтин қалам» VII Миллий мукофотининг «Энг яхши матбуот хизмати» номинацияси голиби, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот хизмати бошлиги Асқар Ҳайдаров. — Бундай юксак эътибор ва рағбат ахборот хизматларининг аҳолини ишончли ахборотлар билан таъминлаш борасидаги масъулиятини янада оширишга ундайди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Назoкaт УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот

«Фаргона ҳақиқати» — «Ферганская правда» газеталари таҳририяти — бош муҳаррири — Баҳромжон Обиджонов — Вилоятнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид долзарб мавзулардаги қўқур таҳлилий материаллари учун.

Асосий номинациялар Энг яхши журналистик материал учун (телевидение):

1-ўрин: Саида Давлетова — ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» инфомацион дастурлари бош муҳарририятини сиёсий шарҳловчиси. Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик йўналишидаги туркум кўрсатувлари учун.

2-ўрин: Фарход Тўраев — ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари. Диний экстремизм ва терроризмга қарши қаратилган туркум кўрсатувлари учун.

3-ўрин: Насиба Мақсудова, Муслимбек Йўлдошев — НТТ телеканалнинг «Дийдор ширин» кўрсатуви муаллифлари ва бошловчилари. Маданий-маърифий йўналишдаги кўрсатувлари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (радио):

1-ўрин: Давлатмурод Мўминов — ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририятини бўлим муҳаррири. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янгилинишлар ва буюқ ўзгаришлар тўғрисидаги туркум эшиттиришлари учун.

2-ўрин: Нодавлат радиостанциялар тармоғи (НРТ) — бош муҳаррири — Наврўз Аширматов — Республикаимиз аҳолисига ахборотни тезкор ва холис етказиб беришга қўшаётган хиссаси учун.

3-ўрин: Лалахан Нураддинова — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканалининг катта муҳаррири. Маънавий-маърифий мавзудаги туркум материаллари учун.

Энг яхши журналистик материал учун (матбуот):

1-ўрин: Анна Иванова — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёни, эришилаётган ютуқлар ҳамда содир бўлаётган муҳим воқеа-хадисаларни кенг ёритган мақолалари учун.

2-ўрин: Фаррух Ҳамроев — «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири ўринбосари. Ўзбекистонда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар, илм-фан соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳамда

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Пойтахтда Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳодимлар меҳнатини муҳофаза қилиш борасида ижтимоий шериклар билан биргаликда олиб бораётган ишлари ва эришилган натижалари» мавзудаги давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-сановат палатаси вакиллари, касаба уюшма ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари иштирок этди.

Давра суҳбати давомида вазирлик ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида амалга оширилаётган, меҳнат муҳофазаси бўйича ўрнатилган қонунлар қабул қилинаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда соҳага доир 142 та меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва нормалар ишлаб чиқилиб, амалиётда татбиқ қилинган. Меҳнат муҳофазаси қандай ташкил этилгани юзасидан ҳамкор қорхона ва ташкилотларда 695 та текширув ўтказилиб, натижада 40 мингдан зиёд камчиликлар аниқланган. Бунда бевосита меҳнат муҳофазаси қоидалари қўпол равишда бузилган, ишга яроқсиз дастгоҳлардан фойдаланилган. Шу боис жорий йил биринчи чорагида ана шундай 140 та дастгоҳ фаолияти тўқтатилди. 730 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Худудий кенгашларнинг тақлифлари асосида жамоа шартномаларини тузишга оид тавсиялар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимининг кенгайтирилган намунаси, жамоа шартномаларини тузишга оид режалар ишлаб чиқилди.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ ўтган йилда 82 та меҳнат муҳофазаси бўйича норматив-техникавий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди. Шундан 39 та меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича, 11 та махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий химоя воситаларини бепул беришнинг тармоқ намунавий нормалари ва 11 та сановат хавфсизлиги бўйича қоидалар келишиб олинди.

Давра суҳбати иштирокчиларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

КАСБ ТАНЛАШ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Олмazor туманидаги 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатда жисмонан имконияти чекланган ёшларнинг таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хўнар коллежи ўқитувчилари, психолог ва методистлари, мазкур мактаб-интернати мутасадди раҳбарлари, битирувчи-ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Бу йил 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернатини 43 нафар ўқувчи битиради. Ушбу даргоҳда тахсил олаётган жисмонан имконияти чекланган ёшларнинг таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, ўзи хоҳлаган касб-хўнар коллежи ва академик лицейларга йўналтириш, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзига чиқариш мақсадида талайгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, имконияти чекланган ёшлар таълим олишга касб-хўнар коллежи ва академик лицейларда очик эшиклар куни ташкил этилиб, ўқувчилар эҳқурсисни уюштирилмоқда. Шу билан бирга, махсус жадвал асосида хар ой мактаб-интернатга коллеж ва лицей мутахассислари келиб, таълим даргоҳларида яратилган шарт-шароит ва қулайликлар, таълим бериш жараёнини ҳақида батафсил маълумот беришади.

— Айни пайтда юртимизда жисмонан имконияти чекланган, ижтимоий, тиббий қўмакка муҳтож, мураккаб шароитда қолган болаларга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, касб-хўнар эгаллаши, жамиятга интеграциялашуви учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейди интернат ўқитувчиси Дилноза Султонова. — Бизнинг таълим даргоҳимизда ўқибатган ўқувчиларнинг аксарияти Юнусов туманидаги махсус мактабга таълим муассасасининг тарбияланувчиларидан иборат бўлса, бу ерни тутатган битирувчиларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хўнар коллежи-га ўқишга киришади. Шу сабабдан, мазкур таълим муассасалари билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган. Муассасамизда 5-синфдан бошлаб, «Ким бўлсан экан?», «Касб танлашда адашма», «Танлаган касбинг — ҳаёт йўлинг» мавзуларида иншолар танлови, «Касблар оиллиги», ҳар чорак сўнгиде касблар фестивали, реферат, очик тарбиявий соатлар ташкил этилади. Бу эса ўқувчиларни касб-хўнарга йўналтириш ва онгли равишда касб танлашларида муҳим аҳамият касб этади.

Йилигида Тошкент шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хўнар коллежи мутасаддилари битирувчилар ва уларнинг ота-оналарига муассасалар дарсдан сўнг шуғулланадиган тўғра-рак ва машгулотлар, ётоқхона фаолияти ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, коллеж талабалари томонидан яратилган заргарлик, қандакорлик, чолғу асбонали, беазки амалий санъат ва миллий либос намуналари, тикувчилик, пойабзал технологияси ва конструкцияси, сартарошлик ишлари кўргазмаси барчада қизиқиш уйғотди.

— Мен келажакда аъло баҳорларга ўқиб, ҳисобчилик касбин эгалламоқчиман, — дейди 9-синф ўқувчиси Иброҳим Эркинов. — Аввал коллежга келиб, унинг ишлаб чиқариш устaxonаларини кўздан кечирдим, бухгалтерия иши йўналишида тахсил олаётган ўқувчилар билан суҳбатлашиб, тўғрақалар фаолиятини ўргандим. Болалигимдан банда ишлаб, молиявий жамғармалар, ҳисоб-китоб ишларини юргизишга қизиқаман. Шу касбин танлаб, тўғри қарор қабул қилдим, деб ўйлайман.

«Туркистон-пресс»

